



## ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАРНИ ҲИСОБОТЛАРДА АКС ЭТТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Холпўлотов Рустам Ўктамович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Бухгалтерия ҳисоби кафедраси ассистенти

[doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\_iss2/a31](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a31)

**Аннотация.** Мақолада хўжалик юритувчи субъектларда молиявий инструментларни ҳисобга олиш, ҳисобини юритиш, ҳисобдан чиқариш ҳамда молиявий ҳисоботда акс эттириш тартиби ўрганилган ҳамда ҳулосалар ишлаб чиқилган.

Сўнги йилларда мамлакатимиз молия бозорларида молиявий инструментлар хилма-хиллиги ва мураккаблиги кескин ўсиб бормоқда. Юртимизда бизнесни ривожлантириш бўйича барча ишлар амалга оширилиб бормоқда. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларга катта аҳамият берилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка инвестиция киритиш жараёнига, энг аввало, молиявий инструментларга катта аҳамият бериш лозим. Инвестиция муҳитини яратишда кўпгина мамлакатлар молиявий инструментлар таркибига кирувчи облигациялардан кенг фойдаланади.

**Калит сўлар:** молиявий актив, молиявий мажбурият, улушли инструментлар, қарзли инструментлар, хусусий капитал, акция, опцион, айирбошланадиган облигация.

## УЛУЧШЕНИЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ ФИНАНСОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ В ОТЧЕТАХ ПО МЕЖДУНАРОДНЫМ СТАНДАРТАМ

**Холполотов Рустам Октамович**

Ассистент кафедры "Бухгалтерский учет" Ташкентского государственного  
экономического университета

**Аннотация:** В статье рассмотрен порядок учета, учета, списания и отражения финансовых инструментов в финансовой отчетности хозяйствующих субъектов и сделаны выводы.

В последние годы разнообразие и сложность финансовых инструментов на финансовых рынках нашей страны резко возрастает. В Юритизе ведутся все мероприятия по развитию бизнеса. Особое внимание уделяется развитию малого бизнеса и частного предпринимательства. Большое значение придается мерам, направленным на их финансовую поддержку. Прежде всего, большое значение следует придавать финансовым инструментам в процессе инвестирования в малый бизнес и частное предпринимательство. Многие страны при создании инвестиционной среды широко используют облигации, являющиеся частью финансовых инструментов.

**Ключевые слова:** Финансовый актив, финансовое обязательство, долевыми инструментами, долговые инструменты, частный капитал, акции, опционы, конвертируемые облигации.

## IMPROVEMENT OF PRESENTATION OF FINANCIAL INSTRUMENTS IN REPORTS BASED ON INTERNATIONAL STANDARDS

**Xolpulotov Rustam O'ktamovich**

Tashkent State Economic University  
Assistant of the department "accounting"

**Abstract:** The article discusses the procedure for recording, recording, writing off and reflecting financial instruments in the financial statements of business entities and draws conclusions.

In recent years, the variety and complexity of financial instruments in the financial markets of our country has increased sharply. All business development activities are carried out at Juritiz. Particular attention is paid to the development of small businesses and private entrepreneurship. Great importance is attached to measures aimed at their financial support. First of all, great importance should be attached to financial instruments in the process of investing in small businesses and private entrepreneurship. Many countries, when creating an investment environment, widely use bonds that are part of financial instruments.

**Keywords:** Financial asset, financial liability, equity instruments, debt instruments, private equity, shares, options, convertible bonds.

**Кириш.** Кейинги йилларда мамлакатимизда бизнесни ривожлантириш бўйича барча шароитлар яратилган. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка инвестиция киритиш жараёнига, энг аввало, молиявий инструментларга катта аҳамият берилмоқда. Инвестиция муҳитини яратишда кўпгина мамлакатлар молиявий инструментлар таркибига кирувчи облигациялардан кенг фойдаланади.

Мамлакатимизда облигация чиқариш ҳуқуқи банклар ва акциядорлик жамиятларига берилган эди. Мамлакатимизда иқтисодий турли соҳаларида фаолият юритадиган масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) кўринишидаги 148 мингдан ортиқ корхона мавжуд бўлиб. Ушбу корхоналарнинг барчасида ўз бизнесини молиялаштиришга банк кредитидан бошқа муқобил вариант бўлмаган. Бу масъулияти чекланган жамиятлар аксарият акциядорлик жамиятларига қараганда кўпроқ инвестиция жалб қилишга қодир.

Шу боис Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июндаги “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” қонунига [1], Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида” қонунига [2], Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” буйруғига [3] тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали 2020 йил 22 июлдан бошлаб масъулияти чекланган жамиятларга ҳам облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш ҳуқуқи берилди. Ушбу молиявий дастак банк кредити учун ҳақиқий муқобилга айланади. Бу эса бухгалтерия амалиётида молиявий инструментлар ҳисобини юритишнинг янги босқичга чиқиш зарурлигини пайдо қилади.

**Адабиётлар шарҳи.** Молиявий инструментлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ёритиб боришни ўрганиш жараёнида хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларини ўргандик. Шунга амин бўлдикки, авваламбор, молиявий инструмент нима эканлигига тушунча ҳосил қилиш муҳим ҳисобланар экан. Молиявий инструментларга хорижлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотларда

таъриф беришган. Улар жумласига В.Е.Милова ўтказилган тадқиқотлар асосида молиявий инструментга қўйидаги таърифни таклиф этган: “Молиявий инструмент – битим тарафлари ўртасида молиявий актив ва молиявий мажбурият (капитал восита) бир вақтнинг ўзида пайдо бўлишига олиб келадиган шартнома муносабатлари” [4].

Ю.А.Астахова ўзининг илмий ишида: “Молиявий инструментлар – битимнинг бир иштирокчиси учун молиявий активнинг пайдо бўлишига олиб келадиган молиявий рисклар билан бирга келадиган маблағлар ва молиявий шартномаларни бирлаштирган бухгалтерия тоифаси ва бошқаси учун молиявий мажбуриятлар ёки капитал воситаси” [5], – деб таъриф берган.

Е.А.Татарко фикрича, “Молиявий инструментларнинг аналитик ҳисоби тизимли регистрларини юритиш, бизнинг фикримизча, ушбу тоифадаги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий инструментлар турлари контекстида ташкил этилиши керак. Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Қимматли қоғозлар” счёти бўйича аналитик бухгалтерия ҳисоби, “Бошқа молиявий активлар” счёти бўйича аналитик бухгалтерия ҳисоби ва “Ҳосилавий молиявий инструментлар” счёти бўйича аналитик ҳисобни юритиш таклиф этилган” [6].

М.В.Склярров ўзининг илмий ишида молиявий инвестицияга шундай таклиф киритган: “Молиявий инвестициялар – иқтисодий самара олиш учун капитални молиявий активларга қўйиш” [7].

В.В.Ковалёвнинг фикрича, “Молиявий таҳлил: капитални бошқариш. Инвестициялар танлаш. Ҳисобот таҳлили”, унда қўйидаги таъриф берилган: “Энг умумий шаклда улар (молиявий инструментлар) қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестицияларнинг турли шакллари ўз ичига олади, улар билан савдо молия бозорларида амалга оширилади: акциядорлик ва қарз қимматли қоғозлари, депозитар тилхатлари, опционлар, варрантлар, форвард шартномалари, фьючерслар ва своплар” [8].

А.Б.Фелдман “Молиявий маҳсулот” ва “Молиявий инструмент” тушунчаларига қўйидагича таъриф берган: “Молиявий маҳсулот деганда, бозор иштирокчилари ўртасида тегишли талаб ва таклифни келтириб чиқарадиган маълум бир истеъмол қийматини тушуниш таклиф этилади. Молиявий маҳсулотлар бозор иштирокчиларининг ўзаро таъсири натижасида уларга ҳуқуқий шакллар бериб, бозор айланмасида иштирок этувчи аниқ


молиявий инструментлар шаклида ўз ифодасини топади” [9].

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада таққослаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, гуруҳлаш ва бошқа таҳлил усулларидан кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Бутун дунё бўйлаб сўнгги йилларда молиявий бозорларда молиявий инструментларнинг хилма-хиллиги ва мураккаблиги кескин ўсиб бормоқда. Молиявий инструментлар ҳисоби бухгалтерия ҳисоби амалиётида муаммо ҳисобланади ва шунинг учун халқаро стандартлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Халқаро стандартлардан БҲХС (IAS) 32-сонли “Молиявий инструментлар: тақдим этиш” [10], МҲХС (IFRS) 7-сонли “Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш” [11] ва МҲХС (IFRS) 9-сонли “Молиявий инструментлар” [12] стандартлари молиявий инструментларни ҳисобга олиш, ҳисобини юритишни, ҳисобдан чиқариш ва уларни ёритиб беришни белгилаб беради.

Бу стандартларнинг қабул қилинишига қуйидаги муаммо сабаб бўлган:

- молиявий инструментлар сони ва мураккаблиги сезиларли даражада ошиб бормоқда;
- бухгалтерия ҳисоби стандартлари молиявий инструментлар сони ўсиши билан бир вақтда ишлаб чиқилмаганлиги;
- ҳосилавий молиявий инструментлар (форвардлар, фючерслар, своплар ва шу кабилар) билан боғлиқ махсус муаммолар юзага келганлиги;
- кўпгина молиявий инструментлар бўйича фойда ва зарарларни тан олиш амалга оширилмаганлиги;
- корхонада молиявий инструментлар бўйича фойда ва зарарларни қачон тан олиш муаммоси;
- молиявий ҳисоботлардаги молиявий инструментлар салмоғи кўпайиши ва ўзгариб бориши уни ёритиб бериш муаммосини пайдо қилди.



1-расм. Молиявий инструментларнинг тузилиши

Манба: муаллиф ишланмаси.

Молиявий активларга қуйидагилар мисол бўла олади:

- асосий фаолият бўйича дебиторлик қарзлари;
- акцияларга инвестициялар;
- опционлар.

Молиявий активларни тан олиш ва баҳолаш МҲХС (IFRS) 9-сонли “Молиявий инструментлар”[12] предмети ҳисобланади. Дастлабки тан олишда молиявий активлар ҳаққоний қийматда тан олинади. Бу молиявий активни сотиб олиш учун тўланган суммаси бўлиши мумкин.

Молиявий активлар (бошқа компаниянинг сотиб олинган қимматли қоғозлари) ҳаққоний қийматда икки хил усул билан ҳисобга

олинади ва ҳисоби юритилади.

- ҳаққоний қийматнинг фойда ва зарарлар усули орқали ҳисобга олинadиган ва ҳисоби юритилadиган молиявий активлар;
- ҳаққоний қийматнинг бошқа умумлашган даромад усули орқали ҳисобга олинadиган ва ҳисоби юритилadиган молиявий активлар.

Биринчи усулдан молиявий активларни сотиб олишнинг мақсади молиявий актив яқин орада сотилганда фойдаланилади. Бунда молиявий активнинг бошланғич қийматига фақатгина молиявий активнинг соф қиймати тан олинади ва молиявий активни сотиб олганда, қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Молиявий активни сотиб олганда	Молиявий активнинг суммаси тўланди
Дт-Молиявий актив (МҲТХ) Кт-Мажбурият (МҲТХ)	Дт-Мажбурият (МҲТХ) Кт-Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари (МҲТХ)

Молиявий активни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар молиявий активнинг таннархига қўшилмайди, аксинча, уни

харажат сифатида тан олиб, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга олиб борилади ва қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси берилади:

**Молиявий активни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар**

Дт- Молиявий активни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар (ФЗТХ)  
Кт-Мажбурият (МҲТХ)

Кейинчалик пайдо бўлган молиявий активнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар ҳам фойда ва зарарлар тўғрисидаги

ҳисоботга олиб борилади ва қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Молиявий активнинг ҳаққоний қийматидаги ижобий ўзгариши	Молиявий активнинг ҳаққоний қийматидаги салбий ўзгариши
Дт-Молиявий актив (МҲТХ) Кт-Молиявий активнинг ижобий фарқидан фойда (ФЗТХ)	Дт-Молиявий активнинг салбий фарқидан зарар (ФЗТХ) Кт-Молиявий актив (МҲТХ)

**Иккинчи усулда** молиявий активни сотиб олишнинг мақсади инвестицияларнинг муддати тугагунга қадар ушлаб туриш бўлиши керак. Лекин агар бошқа, фойдалироқ активни

сотиб олиш имконияти пайдо бўлса, активни сотиши мумкин. Молиявий активни сотиб олганда, қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Молиявий активни сотиб олганда	Молиявий активнинг суммаси тўланди
Дт-Молиявий актив (МҲТХ) Кт-Мажбурият (МҲТХ)	Дт-Мажбурият (МҲТХ) Кт-Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари (МҲТХ)

Молиявий активни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар молиявий актив

нинг таннархига қўшилади ва қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси берилади:

**Молиявий активни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар**

Дт-Молиявий актив (МҲТХ)  
Кт-Мажбурият (МҲТХ)

Кейинчалик пайдо бўлган молиявий активнинг ҳаққоний қийматининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар бошқа

умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботга олиб борилади ва қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Молиявий активнинг ҳаққоний қийматидаги ижобий ўзгариши	Молиявий активнинг ҳаққоний қийматидаги салбий ўзгариши
Дт-Молиявий актив (МҲТХ) Кт-Инвестицион резерв капитали (МҲТХ) (молиявий активнинг ҳаққоний қийматидаги ижобий фарқ) / Бошқа умумлашган даромадларга молиявий активнинг ҳаққоний қийматидаги ижобий фарқидан фойда (БУД)	Дт-Инвестицион резерв капитали (МҲТХ) (молиявий активнинг ҳаққоний қийматидаги салбий фарқ) / Бошқа умумлашган даромадларга молиявий активнинг ҳаққоний қийматидаги салбий фарқидан зарари (БУД) Кт-Молиявий актив (МҲТХ)

Ушбу ёндашув БҲХС (IAS) 16-сонли «Асосий воситалар»га мувофиқ асосий воситаларни қайта баҳолашга ўхшайди. Асосий фарқ шундан иборатки, бу ҳолда инвестициялар захираси салбий бўлиши мумкин.

Молиявий активнинг чиқиб кетишида молиявий актив чиқиб кетиш санасига қийматга ҳаққоний қиймати қайта баҳоланади ва резерв капиталидаги қолдиқ бўйича бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Молиявий активнинг чиқиб кетишида резерв капиталидаги ижобий фарқ	Молиявий активнинг чиқиб кетишида резерв капиталидаги салбий фарқ
Дт-Инвестицион резерв капитали (молиявий активнинг ҳаққоний қийматидаги ижобий фарқ) Кт-Молиявий фаолият бўйича даромадлар	Дт-Молиявий фаолият бўйича зарарлар Кт-Инвестицион резерв капитали (молиявий активнинг ҳаққоний қийматидаги салбий фарқ)

Молиявий мажбуриятлар қуйидагилар ҳисобланади:

- асосий фаолият бўйича кредиторлик қарзлари;
  - облигациялар;
  - сўндириладиган имтиёзли акциялар.
- Молиявий мажбуриятларни тан олиш

молиявий мажбуриятларнинг бошланғич ёки ҳаққоний қийматида тан олинади. Бу, одатда, олинган пулнинг соф суммасидан, мажбуриятни чиқариш учун кетган харажатлари айириб ташлаш билан топилади. Молиявий мажбуриятлар олинганда, қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Молиявий мажбурият олганда	Молиявий мажбурият чиқариш билан боғлиқ харажатларни тан олиш
Дт-Актив (МҲТХ) Кт-Молиявий мажбурият (МҲТХ)	Дт-Молиявий мажбурият (МҲТХ) Кт-Актив (МҲТХ)

Молиявий мажбуриятларни кейинги баҳолаш. Молиявий мажбуриятлар амортизацияланган қиймат бўйича ҳисобга олинади.

*Амортизацияланган қиймати қуйидагича ҳисобланади:*

*Номинал қиймати + самарали ставка бўйича ҳисобланган фоизлар - тўланган фоизлар.*

Самарали фоиз ставкаси бўйича ҳисобланган фоизлар, агар тўлаш учун тўловлар, эмиссия харажатлари ёки чегирмалар каби қўшимча қарз харажатлари мавжуд бўлса, тўланган фоизлардан фарқ қилади. Бундай мажбуриятларга мисол сифатида чуқур чегирмали облигацияни келтириш мумкин.

Молиявий мажбуриятларнинг энг кенг тарқалган турларидан бири айирбошланадиган облигациядир:

- номинал қийматидан катта чегирма билан чиқарилади;
- фоиз ставкаси бозор ставкасидан анча паст бўлади.

Қарзларнинг умумий қийматида қуйидагилар қиради:

- эмиссион харажатлар;
- чегирма бўйича сотиш;
- йиллик фоиз тўловлари;
- тўлов бўйича мукофот.

Облигацияларнинг бошланғич қиймати эмиссиядан олинган соф тушум ҳисобланади.

Жами молиявий тўловлар доимий даврий фоиз ставкасини олиш учун инструмент амал қилиш муддати давомида ҳисоблаб чиқилади.

Доимий даврий фоиз ставкаси (шунингдек, самарали ставка деб аталади) даромаднинг ички даражаси билан бир хил тарзда

ҳисобланади.

Ушбу облигациялар, молиявий мажбуриятлар сингари, амортизацияланган қиймат бўйича ҳисобга олинади.

Айирбошланадиган облигациялар чиқариш хозирги кунда кенг тарқалган облигациялар бўлиб ҳисобланади. Бунда компания акцияларга айлантирилиши мумкин бўлган облигациялар (қарз инструментларини) чиқаради. Облигация эгаси компания акцияларини арзон сотиб олиш имкониятига эга, чунки конвертация шартлари, одатда, сотиб олувчига жуда кўп имтиёзлар беради. Агар эгаси акцияларни нақд пулни танласа ҳам, битим ҳали ҳам жозибадор бўлиши мумкин. Муддати тугагач, облигацияларни сотиб олган томон облигацияларни айирбошлайди ва кейин акцияларни бозорда фойда учун сотади.

Бироқ бу потенциал даромад эвазига облигация эгаси, одатда, бозор ставкасидан пастроқ бўлган фоиз ставкасини қабул қилиши керак ва даромадларнинг катта қисмини ташкил этувчи акцияларни олишдан олдин биров вақт кутиши керак бўлади.

Мураккаб молиявий инструмент таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- молиявий жавобгарлик (қарз компоненти);
- капиталнинг бошқа элементи (акцияларга айирбошлайди, улушли капитал).

Улар молиявий ҳисоботда алоҳида кўрсатилиши керак. Шу фикрлардан келиб чиқиб, халқаро стандартларга асосан ҳисобга олиш, ҳисобини юритиш ва ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқамиз.

Корхона номинал қиймати 36 000 АҚШ доллари, йиллик фоиз ставкаси 2 % бўлган

айирбошладиган облигация эмиссия қилади. Облигация бўйича фоизлар ҳар йил якунида тўланади. Облигациялар муддати туганига қадар исталган вақтда ҳар бир 2,5 доллар облигация учун 1 та оддий акцияга конвертация қилиниши мумкин. Шу билан бир қаторда, облигациялар 3 йилдан кейин номинал

қиймати бўйича сўндирилади. Шунга ўхшаш конвертирланмайдиган облигациялар бўйича фоиз ставкаси 9,1 %ни ташкил қилади. 1 АҚШ долларининг 2 ва 9,1 %лик ставка бўйича дисконтланган қиймати қуйидагича:

Йил	Номинал ставка 2 %	Самарали фоиз ставкаси 9,1 %
1	0,98	0,92
2	0,96	0,84
3	0,94	0,77

Компания юқоридагиларнинг қандай ҳисобини юритишини кўриб чиқадиган бўлсак:

биринчи навбатда айирбошладиган облигация эмиссия қилинганида, молиявий мажбурият ва хусусий капитал элементи сифатида қайси суммалар акс эттирилишини кўриб чиқиш лозим. Бунинг учун ҳар йилги тўладиган мажбуриятни аниқлаш ва пул

оқимини бозор ставкасида дисконтлаш лозим.

$$\text{Ҳар йилги тўладиган мажбурият} = 36\,000 * 2\% = 720\$ \text{ (Номинал қиймати бўйича)}$$

Демак, шартларга асосан ҳар йил охирида 720 доллардан тўлаб боради ва охириги 3 йил фоиз билан бирга асосий қарзни ҳам тўлаб беради. Энди ҳар йилик пул оқимини дисконтлаб оламиз.

1-жадвал

Пул оқимини дисконтлаш

Йил	Пул оқими \$	Дисконтлаш омили 9,1%	Жорий қиймати, долл.
1	720	0,92	662
2	720	0,84	605
3	36 720 (36 000+720)	0,77	28 275
			29 542

Манба: муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги жадвал маълумотларига асосан айирбошладиган облигация эмиссия

қилинганида, қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Айирбошладиган облигация эмиссия қилинганида:

Дт-Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари (МҲТХ) – 36 000 \$

Кт-Тўладиган облигация (МҲТХ) – 29 542 \$

Кт-Капиталнинг бошқа элементи (МҲТХ) – 6 458 \$

Айирбошладиган облигация эмиссия қилинганидаги бирламчи тан олишлар ҳисоби қилинганидан кейин, албатта, уларнинг ҳисобини олиб боришни кўриб чиқамиз. Бунинг

учун қуйидаги жадвалдан фойдаланилади. Айирбошладиган облигациялар бўйича молиявий харажатлар ва тўладиган облигациялар ҳисоблаб чиқилади.

2-жадвал

Облигациялар бўйича молиявий харажатлар ва тўладиган облигацияларни ҳисоблаш, долл.

Йил	Йил бошига тўладиган облигация қолдиқ	Йил учун тан олинган молиявий харажатлар, 9,1 %	Йил учун тўланган маблағ, 2 %	Йил охирига тўладиган облигация қолдиқ
1	29 542	2 688	(720)	31 510
2	31 510	2 867	(720)	33 658
3	33 658	3 062	(720)	36 000

Манба: муаллиф ишланмаси.

## MOLIYA VA SOLIQLAR

Юқоридаги жадвалдаги йил учун тан олинган молиявий харажатлар суммаси ва йил охирига тўланадиган облигация суммалари қуйидаги формулалар орқали топилган:

– Йил учун тан олинган молиявий харажатлар = Йил бошига тўланадиган облигация қолдиқ \* 9,1 %;

– Йил охирига тўланадиган облигация

қолдиқ = Йил бошига тўланадиган облигация қолдиқ + Йил учун тан олинган молиявий харажатлар, 9,1 % – Йил учун тўланган маблағ, 2%.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан келиб чиқиб, қуйидаги натижаларга эришилади ва бухгалтерия ўтказмаси берилади.

### 3-жадвал

#### Йиллик айирбошланадиган облигация бўйича мажбурият тўлаб бериш ва айирбошланадиган облигация бўйича харажатлар тан олиш бўйича бухгалтерия ўтказмаси, долл.

1 йил		2 йил		3 йил	
Дт-Айирбошланадиган облигация бўйича мажбурият (МҲТХ) Кт-пул маблағи (МҲТХ)	720	Дт-Айирбошланадиган облигация бўйича мажбурият (МҲТХ) Кт-пул маблағи (МҲТХ)	720	Дт-Айирбошланадиган облигация бўйича мажбурият (МҲТХ) Кт-пул маблағи (МҲТХ)	720
Дт-Айирбошланадиган облигация бўйича харажатлар (ФЗТХ) Кт-Айирбошланадиган облигация бўйича мажбурият (МҲТХ)	2 688	Дт-Айирбошланадиган облигация бўйича харажатлар (ФЗТХ) Кт-Айирбошланадиган облигация бўйича мажбурият (МҲТХ)	2 867	Дт-Айирбошланадиган облигация бўйича харажатлар (ФЗТХ) Кт-Айирбошланадиган облигация бўйича мажбурият (МҲТХ)	3 062

*Манба: муаллиф ишланмаси.*

Берилган ҳар йиллик бухгалтерия ўтказмаларидан кейин капиталнинг бошқа элементлари ва айирбошланадиган облигация бўйича

мажбуриятлар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагича ўзгариб боради.

### 4-жадвал

#### Капиталнинг бошқа элементи ва айирбошланадиган облигация бўйича мажбуриятлар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилиши, долл. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот

Кўрсаткичлар	1-йил ҳисобот даври охирига	2-йил ҳисобот даври охирига	3-йил ҳисобот даври охирига
<b>Хусусий капитал:</b>			
Капиталнинг бошқа элементи	6 458	6 458	6 458
<b>Мажбуриятлар:</b>			
Жорий мажбуриятлар: айирбошланадиган облигация бўйича			36 000
Узоқ муддатли мажбуриятлар: айирбошланадиган облигация бўйича	31 150	33 658	

*Манба: муаллиф ишланмаси.*

Жадвалдан кўриниб турибдики, капиталнинг бошқа элементи 3 йил охиригача ўзгармайди, айирбошланадиган облигация бўйича мажбуриятлар 2 йил охиригача узоқ муддатли мажбуриятлар таркибида 3 йилдан эса жорий мажбуриятлар таркибига ўтказилади.

Сўнгги йил охирида айирбошланадиган облигацияни харид қилган томонда учта йўл пайдо бўлади:

– қарзни тўлиғича қайтариб олиши мумкин;

– шартномада кўрсатилганидек, айирбошланадиган облигацияни тўлақонли акцияга алмаштириш ва кейинчалик дивиденд олиб туриши мумкин;

– шартномада кўрсатилганидек, қарзнинг маълум бир қисмини қайтариб олиш ва қолган қисмини – айирбошланадиган облигацияни эса акцияга алмаштириши мумкин.

Агар айирбошланадиган облигацияни

сотиб олган томон биринчи йўлни танласа, айирбошланадиган облигацияни чиқарган томон пулни тўлаб беради ва капиталнинг бош-

қа элементидаги айирбошланадиган облигациялар бўйича улушли капитал, фойда ўтказмади. Сўнг куйидагича бухгалтерия ўтказмаси беради:

**Айирбошланадиган облигация бўйича мажбурият тўлаб берилади**

**Хусусий капитал элементи айирбошланадиган облигация бўйича фойда сифатида фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга ўтказилади**

Дт-Айирбошланадиган облигация бўйича жорий мажбуриятлар (МҲТХ) Кт-Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари (МҲТХ)	<b>36 000</b>	Дт-Хусусий капитал элементи (МҲТХ) Кт-Айирбошланадиган облигация бўйича фойда (ФЗТХ)	<b>6 458</b>
---	---------------	---	--------------

Агар айирбошланадиган облигацияни сотиб олган томон иккинчи йўлни танласа, айирбошланадиган облигацияни чиқарган томон акция беради. Бизнинг шартнома шартимизга биноан облигациялар муддати туганига қадар исталган вақтда ҳар бир 2,5 АҚШ доллари облигация учун 1 та оддий акцияга конвертация қилиниши мумкин. Демак, 36 000 АҚШ доллари учун 14 400 та оддий акцияга чиқариб, облигацияга конвертирланди.

Айирбошланадиган вақтда айирбошланадиган облигацияни чиқарган томоннинг оддий акциясининг номинал қиймати 3 АҚШ долларига тенг. Демак, айирбошланадиган облигацияни чиқарган томон ҳар 1 та оддий акциясини чиқаришдан 0,5 АҚШ доллари, 14 400 та оддий акциясини чиқаришдан 7 200 АҚШ доллари миқдорида зарар кўради. Юқоридаги маълумотлар асосида айирбошланадиган облигацияни чиқарган томон куйидагича бухгалтерия ўтказмаси беради:

**Оддий акция чиқарилди**

Дт-Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари (МҲТХ) Кт-Оддий акциялар (МҲТХ)	<b>43 200</b>
<b>Айирбошланадиган облигациянинг мажбурияти ўрнига оддий акция берилди</b>	
Дт-Айирбошланадиган облигация бўйича жорий мажбуриятлар (МҲТХ)	<b>36 000</b>
ДТ-Капиталнинг бошқа элементи (МҲТХ)	<b>6 458</b>
ДТ-Тақсимланмаган фойда (МҲТХ)	<b>742</b>
Кт-Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари (МҲТХ)	<b>43 200</b>

Юқоридаги бухгалтерия ўтказмаларидан кўриниб турибдики, зарар суммасининг бир қисми хусусий капитал элементидан қопланади, қолган қисми эса тақсимланмаган фойдадан қопланиши сифатида ҳисобга олинади.

Агар айирбошланадиган облигацияни сотиб олган томон учинчи йўлни танласа, айирбошланадиган облигацияни чиқарган томон сотиб олган томон талаб қилинган акция беради, қолган қисмини эса тўлаб беради. Бизнинг шартнома шартимизга биноан облигациялар муддати тугагунига қадар исталган вақтда ҳар бир 2,5 АҚШ доллар облигация учун 1 та оддий акцияга конвертация қилиниши мумкин. Демак, 36 000 АҚШ доллари учун 14 400 та оддий акцияга чиқариб, облигацияга конвертирланди.

Айирбошланадиган даврда айирбошланадиган облигацияни чиқарган томоннинг оддий акциясининг номинал қиймати 3 АҚШ

долларига тенг. Айирбошланадиган облигацияни сотиб олган томон сотган томондан 7 200 та оддий акция ва қолган қисмини пул кўринишида тўлаб беришни талаб қилса, сотган томон куйидагича бухгалтерия ўтказмаси беради:

Айирбошланадиган облигацияни сотиб олган томоннинг талабига биноан сотган томон 7 200 та оддий акцияни номинал қийматида 3 АҚШ долларидан 21 600 АҚШ долларига чиқарди ( $7\,200 \times 3 = 21\,600$ ) ва унинг ўрнига айирбошланадиган облигация бўйича жорий мажбуриятлардан 18 000 АҚШ долларини камайтирди. Қолган 3 600 АҚШ долларини ( $21\,600 - 18\,000 = 3\,600$ ) айирбошланадиган облигация бўйича хусусий капитал элементидаги қолдиқ суммадан қоплади. Айирбошланадиган облигация бўйича хусусий капитал элементидаги қолган 2 858 АҚШ доллари ( $6\,458 - 3\,600 = 2\,858$ ) тақсимланмаган фойдага ўтказилди.



**Айирбошланадиган облигация бўйича мажбуриятнинг бир қисми тўлаб берилди**

Дт-Айирбошланадиган облигация бўйича жорий мажбуриятлар (МҲТХ)  
Кт-Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари (МҲТХ) **18 000**

**Оддий акция чиқарилди**

Дт-Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари (МҲТХ)  
Кт-Оддий акциялар (МҲТХ) **21 600**

**Айирбошланадиган облигациянинг мажбурияти ўрнига оддий акция берилди**

Дт-Айирбошланадиган облигация бўйича жорий мажбуриятлар (МҲТХ) **18 000**  
ДТ-Капиталнинг бошқа элементи (МҲТХ) **3 600**  
Кт-Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари (МҲТХ) **21 600**

**Айирбошланадиган облигация бўйича хусусий капитал элементида қолган сумма тақсимланмаган фойдага ўтказилди**

ДТ-Капиталнинг бошқа элементи (МҲТХ)  
КТ-Тақсимланмаган фойда (МҲТХ) **2 858**

**Хулоса ва таклифлар.** Мавзуни ўрганиш натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Молиявий инструментлар халқаро ва миллий стандартларининг фарқли жиҳатларини аниқлаш ва унинг 12-сонли “Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш” БҲМСни такомиллаштириш зарур.

2. Молиявий инструментларни ҳисобга олишнинг жорий ташкилий ва услубий қоидаларини баҳолаш ва уларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

3. Амалдаги қонунчилик асосида молиявий инструментларни ҳисобга олиш учун бухгалтерия ҳисоби схемасини таклиф қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

4. Молиявий инструментларнинг муҳим белгиларига мувофиқ таснифини ишлаб чиқиш зарур.

5. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий инструментларни ҳисобга олишни ташкил этишдаги ёндашувларни умумлаштириш ва хусусиятларини аниқлаш лозим.

Мавзуни ўрганиш натижасида қуйидаги таклифлар шакллантирилди:

1. Молиявий инструментларга қуйидагича муаллифлик таърифини бериш мақсадга мувофиқ: “Молиявий инструментлар шартнома бўлиб, бир корхона учун молиявий актив сифатида ҳисобга олинадиган, иккинчи корхона учун эса молиявий мажбурият ёки улушли инструмент сифатида ҳисобга олинадиган инструментлардир”.

2. Молиявий активларга қилинган ҳаққоний харажатлар қўшилишини, молиявий мажбуриятларга эса ушбу харажатлар айирilib, ҳисобга олинишини инobatга олган ҳолда ҳисоб сиёсатида қуйидаги счётлар киритишни таклиф этамиз.

– молиявий активларга қилинган харажатлар номли контрактив счёт.

– молиявий мажбуриятларга қилинган харажатлар номли контрактив счёт.

Бу счётлар бухгалтерия маълумотлари ишончилиги, тушунарлилиги ва таққосланувчанлигини янада оширади.

3. Чиқариладиган айирбошланадиган облигацияларнинг келгуси тўловлар суммасини дисконтлаб, дисконтланган суммани айирбошланадиган облигациялар бўйича бошланғич мажбурият сифатида тан олишни таклиф этамиз.

4. Чиқариладиган айирбошланадиган облигацияларнинг дисконтланган суммасини ва айирбошланадиган облигациянинг номинал қиймати ўртасидаги фарқни – суммасини айирбошланадиган облигациялар бўйича улушли капитал сифатида тан олиш ва уни капиталнинг бошқа элементи таркибига кириштишни таклиф этамиз.

5. Хусусий капитал таркибига киритилган капиталнинг бошқа элементи ҳисобини юритиш учун “Айирбошланадиган облигациялар бўйича улушли капитал” номли пассив счётини таклиф этамиз.

6. Айирбошланадиган облигация сотиб олган томон облигацияларни айирбошламаса, янги таклиф қилинаётган “Айирбошланадиган облигациялар бўйича улушли капитал” номли пассив счётдаги кредит қолдиғини фойда сифатида фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга ўтказишни таклиф этамиз.

7. Айирбошланадиган облигация сотиб олган томон облигацияларни оддий акцияларга қисман ёки тўлақонли айирбошлашни танласа, ҳисоб-китоблардан сўнг таклиф қилинаётган “Айирбошланадиган облигациялар бўйича улушли капитал” номли пассив счётдаги кредит қолдиғини оддий акция чиқаришнинг номинал қиймати ва айирбошланадиган

облигациялар бўйича жорий мажбуриятлар ўртасидаги фарқни йўқ қилишга ишлатишни таклиф этамиз.

8. Айирбошланадиган облигация сотиб олган томон облигацияларни оддий акцияларга қисман ёки тўлақонли айирбошлашни танласа, ҳисоб-китоблардан сўнг таклиф қилинаётган “Айирбошланадиган облигациялар бўйича улушли капитал” номли пассив сўтнинг кредит қолдиғи оддий акция чиқаришнинг номинал қиймати ва айирбошланадиган облигациялар бўйича жорий мажбуриятлар ўртасидаги фарқдан катта бўлса, таклиф қилинаётган “Айирбошланадиган облигациялар бўйича улушли капитал” номли

пассив сўтдаги кредит қолдиғини тақсимланмаган фойдага тўғридан-тўғри ўтказишни, аксинча, оддий акция чиқаришнинг номинал қиймати ва айирбошланадиган облигациялар бўйича жорий мажбуриятлар ўртасидаги фарқдан кичик бўлса, қолган қисмини тўғридан-тўғри тақсимланмаган фойдадан қоплашни таклиф этамиз.

Юқорида таклифлар халқаро стандартлар ва халқаро тажриба ютуқларига таянади. Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши молиявий ҳисоботларда молиявий инструментларнинг ишончилигини таъминлашга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июндаги “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎРҚ-387-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/2662539>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/22525>
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” буйруғи. <https://lex.uz/docs/1515251>
4. Милова В.Е. “Учет финансовых инструментов” тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12. 2008 г. <https://www.dissercat.com/content/uchet-finansovykh-instrumentov>
5. Астахова Ю.А. “Современные подходы к учету финансовых инструментов” тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12. 2013 г. <https://www.dissercat.com/content/sovremennye-podkhody-k-uchetu-finansovykh-instrumentov>
6. Татарко Е.А. “Организация бухгалтерского учета финансовых инструментов на предприятии” тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12. 2010 г. <https://www.dissercat.com/content/organizatsiya-bukhgalterskogo-ucheta-finansovykh-instrumentov-na-predpriyatii>
7. Складов М.В. “Организация бухгалтерского учета финансовых инструментов в соответствии с российскими и международными стандартами” тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12. 2005 г. <https://www.dissercat.com/content/organizatsiya-bukhgalterskogo-ucheta-finansovykh-instrumentov-v-sootvetstvii-s-rossiiskimi-i>
8. Ковалев В.В. «Финансовый анализ: Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности». – М.: Финансы и статистика, 1995.
9. Фельдман А.Б., Производные финансовые и товарные инструменты. – М., 2003.
10. МХХС (IAS) 32-сонли “Молиявий инструментлар: тан олиш” номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.
11. МХХС (IFRS) 7-сонли “Молиявий инструментлар: ахборотни ошкор қилиш” номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.
12. МХХС (IFRS) 9-сонли “Молиявий инструментлар” номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.
13. Алесси, Кристофер. «Спор о кредитных рейтингах. Кампания 2012». Совет по международным отношениям. Архивировано из оригинала 27 июля 2013 года. Проверено 29 мая 2013 г.
14. «DBRS: Краткосрочные и долгосрочные рейтинговые отношения» (PDF). ДБРС. Архивировано из оригинала (PDF) 28 апреля 2011 г. Проверено 28 июня 2013 г.
15. <http://ifrs.com>